

НАВОИЙ ШАҲАР ДАВЛАТ  
ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ  
ТОМОНИДАН

«06» декабр 2023 йилдаги  
№ 232 8969 СОНЛИ РЕЕСТР  
РАҚАМЛИ БИЛАН  
«РЎИХАТГА ОЛИНГАН»



«NAVOIYAZOT» АЖ  
ЯГОНА АКЦИЯДОРНИНГ  
2023 йил 6 декабрдаги  
64 - сонли ҚАРОРИ БИЛАН

«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«NAVOIYAZOT»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
УСТАВИ**

(ЯНГИ ТАҲРИР)

ТОШКЕНТ шаҳри, 2023 йил

## Оглавление

ПРЕАМБУЛА .....	3
I. ТўЛИҚ ВА ҚИСҚАРТИРИЛГАН ФИРМАЛИ НОМЛАНИШИ.....	3
II. ЖАМИЯТНИНГ ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ ВА ЭЛЕКТРОН АДРЕСИ.....	3
III. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШ МУДДАТИ.....	4
IV. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ.....	4
V. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДЛАРИ .....	4
VI. ҲИССАЛАР ВА ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ .....	6
VII. УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ .....	7
VIII. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ. ЖАМИЯТНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ҚЎЛГА КИРИТИШ. АКЦИЯЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТИШНИНГ ИМТИЁЗЛИ ҲУҚУҚИ. 8	
IX. ДАРОМАД (ФОЙДА)НИ ТАҚСИМЛАШ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ.....	10
X. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРИ.....	11
XI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.....	11
XII. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ.....	12
XIII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШЛАРИ.....	12
XIV. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ.....	13
XV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ .....	15
XVI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ИТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК. 16	
XVII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ИТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК.....	18
XVIII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ КВОРУМИ .....	20
XIX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ.....	20
XX. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШЛАРИДА ОВОЗ БЕРИШ.....	22
XXI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ.....	23
XXII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ БАЁННОМАСИ.....	23
XXIII. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.....	24
XXIV. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ.....	26
XXV. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ВА КОТИБИ.....	27
XXVI. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИ.....	27
XXVII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИНГ КВОРУМИ ВА ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ. 28	
XXVIII. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ.....	29
XXIX. КУЗАТУВ КЕНГАШИ ВА ЖАМИЯТ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.....	32
XXX. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТ. ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ. АХБОРОТНИ БЕРИШ.....	33
XXXI. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ: ТАФТИШ КОМИССИЯСИ, АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ, ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ, ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИСИ.....	34
XXXII. ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ.....	35
XXXIII. ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК.....	36
XXXIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.....	36
XXXV. ХАБАРНОМАЛАР.....	36

## ПРЕАМБУЛА

А. «Navoiyazot» Акциядорлик жамияти Уставининг аввалги тахрири «Navoiyazot» АЖ акциядорларининг 2023 йил 3 июлдаги ягона акциядорнинг қарори билан тасдиқланган (Навоий шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан 2023 йил 27 июлда 2226432-сонли рақам билан рўйхатга олинган).

В. Уставда қуйидаги норматив ҳужжатларнинг қоидалари акс эттирилган:  
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 28.04.2015 йилдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 15.05.2015 йилдаги ПФ-4725-сон «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»;

- Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 06.05.2014 йилдаги ЎРҚ-370-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида;

- 31.12.2015 йилдаги "Корпоратив бошқарув кодекси" ва 20.04.2018 йилдаги "Корпоратив бошқарув қоидалари";

- "Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари 20.03.2019 йилдаги ЎРҚ -531 сон, 29.10.2021 йилдаги ЎРҚ -726 сон, 14.03.2022 йилдаги ЎРҚ -759 сон, 29.03.2022 йилдаги ЎРҚ -760 сон, 18.01.2023 йилдаги ЎРҚ -814 сон;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 08.04.2022 йилдаги, ПФ-101 сон «Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида».

С. Мазкур Устав янги тахрирда «Navoiyazot» АЖ ягона акциядорнинг 2023 йил 6 декабрдаги 64-сон қарори билан тасдиқланган.

### I. ТЎЛИҚ ВА ҚИСҚАРТИРИЛГАН ФИРМАЛИ НОМЛАНИШИ

«Navoiyazot» Акциядорлик жамияти (бундан кейин матнда Navoiyazot деб номланади), устав фонди акциядорларнинг «Navoiyazot»га нисбатан мажбурий ҳуқуқларини шаходатловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти ҳисобланади

#### **Жамиятнинг тўлиқ номланиши:**

Ўзбек тилида (кирилл алифбосида)	“Navoiyazot” акциядорлик жамияти
Ўзбек тилида (лотин алифбосида)	“Navoiyazot” aksiyadorlik jamiyati
Рус тилида	Акционерное общество “Navoiyazot”

#### **Жамиятнинг қисқартирилган номланиши:**

Ўзбек тилида (кирилл алифбосида)	“Navoiyazot” АЖ
Ўзбек тилида (лотин алифбосида)	“Navoiyazot” AJ
Рус тилида	АО “Navoiyazot”

### II. ЖАМИЯТНИНГ ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ ВА ЭЛЕКТРОН АДРЕСИ

Жойлашган манзили (почта адреси):	Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навоий вилояти, Навоий шаҳри-5;
Электрон почта адреси:	<a href="mailto:office@navoiyazot.uz">office@navoiyazot.uz</a> ;
Веб-сайти адреси:	<a href="http://www.navoiyazot.uz">www.navoiyazot.uz</a> .

### III. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШ МУДДАТИ

3.1. «Navoiyazot» нинг фаолият юритиш муддати чекланмаган.

### IV. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

4.1. Navoiyazot давлат корхонаси ҳисобланган «Навоиазот» Ишлаб чиқариш бирлasmасини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Давлат Қўмитасининг 2002 йил 29 мартдаги 86к-ПО-сонли буйруғига мувофиқ «Navoiyazot» Очиқ акциядорлик жамияти шаклида қайта тузиш натижасида таъсис этилиб, шундан сўнг, «Navoiyazot» ОАЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳуқуқий вориси ҳисобланган ҳолда, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда тасдиқланиши муносабати билан («2014 йил 06 майдаги ЎРҚ-370-сонли «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎзР Қонунига мувофиқ) «Navoiyazot» Акциядорлик жамияти шаклида қайта тузилган.

4.2. Navoiyazot давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг юридик шахс ҳуқуқини олади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва мазкур Уставга мувофиқ амалга оширади.

4.3. Navoiyazot хўжалик, молиявий, ташкилий ва юридик жиҳатдан мустақил юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ хорижий ва маҳаллий валютада ҳисоб-китоб ҳисобрақамларини, ҳисобрақамларини очишга, ўз номидан битимлар тузишга, мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни қўлга киритишга ва мажбуриятларни амалга оширишга ҳақли, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг Ўзбекистон Республикасида ва Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларида умумқабул қилинган амалиётига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиши ва баланс ҳисоботларини, фойда ва зарар тўғрисида ҳисоботларни, статистик ва молиявий ҳисоботларни тузиши лозим, суд мажлисида ёки ҳакамлик судида даъвогар, жавобгар ёки бошқа тараф сифатида иштирок этишга ва/ёки ишларни судда, маъмурий органларда ёки ҳакамлик судида кўриб чиқилиши учун ариза беришга, Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида судларда, маъмурий органларда ёки ҳакамлик судида ҳимояланишга, ҳар қандай ҳуқуқий масалаларни келиштиришга ҳақлидир.

4.4. Navoiyazot ўзининг давлат тилидаги тўлиқ расмий номланиши кўрсатилган думалоқ муҳр, штамп ва бланklarига, ўз тимсолига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгиларига ва таниб олишнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

4.5. Navoiyazot Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ва бошқа мамлакатларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ шуъба ва тобе хўжалик жамиятларини, филиал ва ваколатхоналарини тузишга ҳақли.

### V. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДЛАРИ

5.1. Фойда олиш ва Navoiyazot фаолиятини самарадорлигини оширишга қаратилган хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун унинг иштирокчилари (акциядорлари)ни иқтисодий манфаатларини, интеллектуал салоҳиятини, моддий, номоддий, меҳнат ва молиявий ресурсларини бирлаштириш Navoiyazotнинг асосий мақсади ҳисобланади.

5.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- халқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш;

- органик синтез ва кам тоннажли кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- маҳсулот, иш ва хизматларнинг бошқа турларини ишлаб чиқариш ва сотиш.

5.3. Navoiyazot Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган ҳар қандай бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳақли. Амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари қонунчиликда белгиланган тартибда лицензия берилганидан сўнг амалга оширилади.

5.4. Жамиятнинг 5.1-бандда белгиланган мақсадларини амалга ошириш учун фаолиятининг предмети (асосий йўналишлари) қуйидагилардан иборат бўлади:

5.4.1. маҳсулот ишлаб чиқариш ва товарларни сотиш, корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар учун ишларни бажариш ва уларга хизмат кўрсатиш;

5.4.2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

5.4.3. ўз товар ва хизматларига нархларни, харид қилиш ва сотиш шартларини мустақил белгилаш (монопол маҳсулот реестрига киритилган ва нархларни тартибга солиш органи томонидан декларацияланиши лозим бўлган маҳсулот бундан мустасно);

5.4.4. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида мустақил равишда ёки воситачилар орқали улгуржи ва чакана савдони амалга ошириш;

5.4.5. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида товар ва мол-мулкнинг барча (моддий ва номоддий, кўчмас ва кўчадиган) турларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, қуриш, қўлга киритиш, улар юзасидан битимлар тузиш, ижарага олиш ёки бошқа тарзда қўлга киритиш ва/ёки юқорида кўрсатилган мол-мулкни ижарага бериш, гаровга қўйиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсларга бериш ёки исталган бошқа тарзда уни тасарруф қилиш;

5.4.6. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида исталга шахслар билан мустақил тарзда битим ва келишувларни тузиш, тижорат ва хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ҳамда зиммасига мажбуриятлар олиш;

5.4.7. мазкур Уставнинг 5.1-бандида ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган жамиятнинг тижорат фаолияти ва унинг асосий вазифалари учун зарур ва мос бўлган импорт ва экспорт амалиётини мустақил тарзда ёки воситачилар орқали амалга ошириш;

5.4.8. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ширкатлар, қўшма ва ш.к. корхоналарни тузиш бўйича битимларни тузиш ва бекор қилиш;

5.4.9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ шуъба ва тобе хўжалик жамиятларини, филиал ва ваколатхоналарини тузиш;

5.4.10. товар ва валюта биржаларининг ишида иштирок этиш;

5.4.11. маблағларни қарзга олиш ёки маблағ тўплашни ташкил этиш, жамият мажбуриятлари бўйича ёки қарздорнинг мол-мулкига банд солиш йўли билан ҳар қандай шахсга гаров тақдим этиш;

5.4.12. жамият маблағларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида инвестиция шаклида киритиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ инвестициялар, акциялар, кредитлар ва бошқа қимматли қоғозлари қўлга киритиш ва/ёки бошқа шахсларга ўтказиш, алмаштириш ва улардан бошқа тарзда фойдаланиш;

5.4.13. жамият фондларини жамиятнинг ва уни исталган шуъба компаниясининг хўжалик фаолиятини кегайтириш учун ишлатиш;

5.4.14. исталган шахсга кафолат билан ёки кафолатсиз, мувофиқ бўлган исталган шартларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ пул маблағларини қарзга ёки аванс (бўнак) сифатида бериш ёки бошқа тарзда қарз бериш;

5.4.15. компаниянинг ҳар қандай мулкни, жамиятнинг ёки исталган бошқа шахснинг контрактлари ёки мажбуриятлари бажарилишини мажбуриятлар билан ёхуд қарздорнинг мол-мулкига банд солиш ҳуқуқи билан кафолатлаш;

5.4.16. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жамиятнинг исталган акциялари ва/ёки бошқа қимматли қоғозларини чиқариш ёки уларни исталган шахсга сотиш ҳамда шундай чиқариш ёки сотиш юзасидан ҳар қандай битимга кириш;

5.4.17. ишончномалар бериш;

5.4.18. Ўзбекистон Республикасида ҳудудда ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳар қандай савдо маркалари, номлари, хизмат кўрсатиш белгилари, дизайнлар, патентлар, ихтиролар, ноу-хаулар ва интеллектуал мулкнинг бошқа шакллари рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш ва рўйхатдан ўтказиш, уларни сотиб олиш ёки ўзга усулда қўлга киритиш, сотиш, лицензиялаш, ўзга шахсларга бериш ёки улар билан савдо қилиш;

5.4.19. ҳар қандай шахсни ёллаш, жамиятнинг ҳар қандай мансабдор шахсига ёки ходимига ёки собиқ мансабдор шахси ёки ходимига ёхуд уларнинг қариндош-уруғлари ёки боқимандаларига иш ҳақи, пенсия ва бошқа нафақаларни тўлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ пенсиялар, нафақалар, мукофотлар ва рағбатлантиришларни тўлаш бўйича режаларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

5.4.20. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ йўқотишлар, таваккалчиликлар ва масъулиятнинг бошқа турларидан суғуртани амалга ошириш;

5.4.21. Ўзбекистон Республикасида ҳудудда ва ундан ташқарида кўرғазмаар ва кимошди савдоларини ташкил этиш ва уларда иштирок этиш ва шу каби фаолият билан шуғулланиш;

5.4.22. башарти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш» чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони талабларига зид бўлмаса, хайрия ва ҳомийлик бадалларини ажратиш ҳамда соғлиқни сақлашга, маданиятга ва илм-фанга маблағлар ажратиш;

5.4.23. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ мустақил тартибда ёки бошқа шахслар билан ҳамкорликда ёки улар орқали ёхуд агент, иккиламчи пудратчи, шуъба корхонаси ёки ваколатхона воситачилигида ёки ўзга усулда раҳбар, агент, пудратчи ёки бошқа сифатда фаолият юритиш;

5.4.24. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жамият қарамоғида тиббий муассасаларни таъминлаш йўли билан тиббий ёрдам кўрсатиш;

5.4.25. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ реклама кампанияларини ташкил этиш;

5.4.26. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ оммавий ахборот воситаларини чоп этишни ташкил этиш;

5.4.27. савдо ва савдо-воситачилик, жумладан экспортга йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш; Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳам маҳаллий, ҳам хорижий таянч валютада товар (хизмат)ларни харид қилиш/сотиш.

## VI. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ ВА АКЦИЯЛАРИ

6.1. Navoiyazotнинг Устав фонди Акциядорлар томонидан харид қилинган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган

барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

6.2. Navoiyazotning ҳар бир иштирокчиси Navoiyazot акцияларини харид қилганидан сўнг мазкур Уставдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади ва бундан кейин «Акциядор» деб номланади.

6.3. Navoiyazotning мол-мулки Устав фондига киритилган ҳиссалар, хўжалик фаолияти натижасида Navoiyazot да ишлаб чиқарилган маҳсулот, олинган даромадлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида рухсат этилган бошқа асосларда қўлга киритилган ўзга мол-мулкдан ҳосил бўлади.

6.4. Navoiyazotning Устав фонди **483 024 256 935,93** (тўрт юз саксон уч миллиард йигирма тўрт миллион икки юз еллик олти минг тўққиз юз ўттиз беш) сўмдан иборат.

6.5. Navoiyazot акцияларининг умумий миқдори, номинал қиймати 196 сўм 11 тийин (бир юз тўқсон олти сўм 11 тийин) бўлган **2 463 027 163** (икки миллиард тўрт юз олтмиш уч миллион йигирма етти минг бир юз олтмиш уч) дона оддий номланган ҳужжатсиз акциялардан иборат.

6.6. Жамиятнинг жойлаштирилган ва эълон қилинган акциялари «Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси» Давлат корхонасининг акциядорлари реестрида акс этади.

## VII. УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

7.1. Устав фондини кўпайтириш:

7.1.1. Navoiyazot ning устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

7.1.2. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида, ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштиришга ҳақли.

7.1.3. Қўшимча акциялар эълон қилинган жамият уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина Navoiyazot томонидан жойлаштирилиши мумкин.

7.1.4. Navoiyazot ning устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва Navoiyazot ning мазкур Уставга тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Navoiyazot кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади. Башарти Кузатув кенгаши бу масалалар юзасидан бир овоздан қарорга келолмаган бўлса, бундай қарор мазкур Устав ва қонунчиликда белгиланган тартибда Navoiyazot акциядорларининг Умумий йиғилиши томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим.

7.1.5. Navoiyazot ning устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари, жумладан, қонунчилик ва мазкур Уставга мувофиқ жойлаштириладиган акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга акциядорлар учун Navoiyazotning қўшимча акцияларини жойлаштириш шартлари белгиланган бўлиши керак. Navoiyazot ning устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади.

Бунда Navoiyazot уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак. Navoiyazot ning устав фонди кўпайтириладиганда Navoiyazot ning қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Navoiyazot акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

7.1.6. Navoiyazot ning устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин. Navoiyazot ning устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Navoiyazot ning устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Navoiyazot ning устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

7.2. Устав фондини камайтириш:

7.2.1. Navoiyazot ning устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Navoiyazot томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

7.2.2. Мазкур Уставга мувофиқ Navoiyazot ning устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга рухсат этилган.

7.2.3. Сабабларини кўрсатган ҳолда Navoiyazot ning устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва Navoiyazot уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳамда унинг ва уни камайтириш тартибини белгилаш ҳақидаги қарорлар қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

## VIII. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ. ЖАМИЯТНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ҚЎЛГА КИРИТИШ. АКЦИЯЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТИШНИНГ ИМТИЁЗЛИ ҲУҚУҚИ.

8.1. Жамият оддий номланган ҳужжатсиз акциясининг номинал қиймати 196 сўм 11 тийин (бир юз тўқсон олти сўм 11 тийин).

8.2. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш учун эълон қилинган оддий номланган ҳужжатсиз акцияларнинг умумий миқдори **4 311 614 932** (тўрт миллиард уч юз ўн бир миллион олти юз ўн тўрт минг тўққиз юз ўттиз икки) дона бўлиб, номинал қиймати 196 сўм 11 тийин (бир юз тўқсон олти сўм 11 тийин).

8.3. Navoiyazotнинг қимматли қоғозларини чиқариш, рўйхатдан ўтказиш, жойлаштириш ва улар бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур Устав билан белгиланади.

8.4. Navoiyazot Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида тақиқланмаган акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳақли.

8.5. Navoiyazot Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги қоидалари ва талабларига мувофиқ акцияларни қоғозсиз (нақдсиз) шаклда чиқаради.

8.6. Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш, қонунчиликда белгиланган тартибда қимматли қоғозлар эгаларининг депо ҳисобварақлари ҳолати бўйича марказий рўйхатчи вазифасини бажарувчи Ўзбекистон Республикасининг Марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

8.7. Акциядорга унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарий Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда акция эгасининг ёки унинг қонуний вакилининг талабига кўра икки иш куни ичида депо ҳисобварақидан кўчирма бериши шарт. Navoiyazot акциялари ва қимматли қоғозларининг эгаси депо ҳисобварақидан кўчирмага ўзига тааллуқли бўлмаган ахборот, шу жумладан бошқа қимматли қоғозларнинг эгалари ҳамда уларга тегишли Navoiyazot қимматли қоғозларининг сони тўғрисидаги ахборот киритилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

8.8. Жамиятнинг оддий акцияларини бир шахсдан бошқа шахсга ўтиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги тартиб, қоида ва талабларга мувофиқ амалга оширилади. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

8.9. Navoiyazot акциядорлари реестрида рўйхатга олинган Акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун Navoiyazot, Марказий депозитарий ва акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарий жавобгар бўлмайди.

8.10. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Navoiyazot имтиёзли акциялар чиқариши мумкин, уларнинг жами қиймати Устав фондининг 25% (йигирма беш фоизи)дан ошиб кетиши мумкин эмас.

8.11. Navoiyazot Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли. Акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар Navoiyazot томонидан жойлаштирилган тақдирда эълон қилинган (қўшимча) акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши муддати мобайнида айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим. Navoiyazot ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

8.12. Navoiyazot облигацияларни ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган бошқа қимматли қоғозларни жойлаштиришга ҳақли. Облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришнинг тартиби, миқдори ва шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

8.13. Navoiyazot Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган тартибда қўшимча чиқариладиган Navoiyazot акцияларига очиқ ва ёпиқ обунани ўтказишга ҳақли.

8.14. Navoiyazot акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш қонунчиликда белгиланган тартибда пул маблағлари билан, шунингдек, бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек, пул қийматида ифодаланадиган (жумладан, мулкий ҳуқуқлар) билан амалга оширилади.

8.15. Қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришда Navoiyazot акцияларига ҳақ тўлаш шакли уларни жойлаштириш тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

8.16. Navoiyazot ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан Navoiyazot устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек, уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Navoiyazot Кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли. Акцияларни олиш вақтида уларга ҳақ тўлаш пул маблағлари билан, шунингдек, бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек, пул қийматида ифодаланадиган (жумладан, мулкий ҳуқуқлар) билан амалга оширилади.

Акцияларга ҳақ тўлаш шакли акцияларни қўлга киритиш тўғрисидаги қарор билан белгиланади. Navoiyazot акцияларини қўлга киритиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартиб ва қўйилган чекловлар ҳисобга олиниб амалга оширилади.

8.17. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Navoiyazot жойлаштирилган акцияларни йириклаштиришга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Navoiyazot нинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади. Бунда жамият уставига унинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қиймати ва сонига тааллуқли тегишли ўзгаришлар киритилади.

8.18. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Navoiyazot жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга оширишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Navoiyazot нинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади. Бунда Navoiyazot уставига жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қиймати ва сонига тааллуқли тегишли ўзгаришлар киритилади.

8.19. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар вазиятлар юзага келганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда уларга тегишли акцияларнинг барчасини ёки бир қисмини Navoiyazot томонидан сотиб олинишини талаб этишга ҳақлидир.

8.20. Акциялар ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни харид қилишнинг имтиёзли ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **IX. ДАРОМАД (ФОЙДА)НИ ТАҚСИМЛАШ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ.**

9.1. Navoiyazot томонидан унинг хўжалик фаолияти натижасида қоладиган фойда амалдаги қонунчиликка биноан Navoiyazot ихтиёрида қолади ҳамда Navoiyazot фондларини шакллантириш ҳамда қонунчилик ва мазкур Уставга мувофиқ дивидендларни тўлаш учун ишлатилади.

9.2. Дивиденд солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш, қайта инвестицияларни амалга оширишдан сўнг жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

9.3. Дивиденд Navoiyazot акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

9.4. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

9.5. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Navoiyazot Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Navoiyazot акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Navoiyazot Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек Navoiyazot уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинганидан сўнг 60 (олтмиш) кундан кеч бўлиши мумкин эмас.

9.6. Navoiyazot дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади, тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

9.7. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган Navoiyazot Акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари рўйхатида қайд этилган акциядорлар дивиденд олишга ҳақли.

9.8. Navoiyazot акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас:

9.8.1. Устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

9.8.2. . агар дивидендлар тўланадиган пайтда Navoiyazot да банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Navoiyazotда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

9.8.3. агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса.

9.9. Зарарлар Navoiyazot Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тақсимланади. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан зарарлар Navoiyazotнинг захира фонди маблағлари ҳисобига қопланиши мумкин.

## **X. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРИ**

10.1. Navoiyazot да соф фойда ҳисобидан:

- захира фонди;
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланадиган, Navoiyazot фаолияти учун зарур бошқа фондлар ташкил этилади.

10.2. Захира фонди Navoiyazot зарарларини қоплаш, корпоратив облигацияларни сўндириш, соф фойда етмаганда имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ҳамда бошқа маблағлар бўлмаганда Navoiyazot акцияларини қайта сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

10.3. Navoiyazotнинг Захира фонди Устав фондининг камида 15% (ўн беш фоизи) миқдоридида шакллантирилади. Ҳар йили Захира фондига ўтказиладиган фойда фоизи Navoiyazot Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади, аммо Захира фонди мазкур бандда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг 5%дан кам бўлиши мумкин эмас.

10.4. Захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланган тақдирда мажбурий ажратмалар қайтадан бошланади.

## **XI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

11.1. Navoiyazot акциядорлари мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

11.2. Акциядорлар томонидан ҳуқуқларини амалга оширилиши бошқа Акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимояланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

11.3. Акцияларни бошқа шахслар тасарруфига ўтказишга қўйилган чекловлар ушбу акцияларнинг эгаси ҳисобланган Акциядорни Navoiyazot ни бошқаришда иштирок этиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда акциялар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

11.4. Акцияларнинг камида 10 фоизига эгалик қилувчи акциядорлар корхона фаолиятини текшириш учун ташқи аудит ўтказишга таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга.

## XII. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ.

12.1. Қуйидагилар Navoiyazot нинг бошқарув органлари ҳисобланади: Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув Кенгаши ва ижроия органи (Navoiyazot Бошқаруви).

12.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Navoiyazot ни бошқаришнинг олий органи ҳисобланади.

12.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини, Кузатув Кенгашини ва Бошқарувни ўтказиш, сайлаш тартиби ва ваколатлари мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланади.

## XIII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШЛАРИ

13.1. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишлари, Йиллик Умумий Йиғилишлар ва Навбатдан ташқари Умумий Йиғилишларга бўлинади.

13.1.1. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши ҳар йилда камида бир марта, молиявий йил якунлангандан сўнг 6 (олти) ойдан кечиктирилмасдан чақирилади. Жамият акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши ҳар йили одатда 30 июн санасигача ўтказилади.

13.1.2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши зарурат юзасидан чақирилади.

13.2. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишида қуйидагилар мажбурий тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади:

13.2.1. Navoiyazotнинг йиллик баланси, фойда ва зарарлар тўғрисида баланс ҳисоботи;

13.2.2. Navoiyazotнинг фойда ва зарарларини тақсимланиши;

13.2.3. Navoiyazot нинг молиявий-хўжалик фаолиятининг натижалари тўғрисида Аудиторлик ташкилоти ва Тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари;

13.2.4. Ижроия органи ва кузатув кенгаши раҳбарининг Navoiyazot фаолияти ва молиявий ҳолати, Navoiyazot ривожланишининг стратегиясига эришиш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисоботи;

13.2.5. Navoiyazot Акциядорлари ўртасида дивидендларни тақсимланиши;

13.2.6. Navoiyazot Кузатув Кенгашини сайлаш;

13.2.7. Navoiyazot Саноқ Комиссияси аъзоларини тайинлаш;

13.2.8. Navoiyazot Тафтиш комиссиясини сайлаш;

13.2.9. Ижроия органи раҳбари (бошқарув раиси), коллегиял ижроия органи аъзолари (бошқарув аъзолари) ва ишончли бошқарувчи билан тузилган шартномалар муддатини узайтириш, қайта тузиш ёки бекор қилиш имконияти тўғрисидаги масалалар, башарти мазкур Уставга биноан конкурс танлови натижалари бўйича Кузатув Кенгашига берилган ваколатларга мувофиқ бундай тайинлашлар аввалроқ Navoiyazot Кузатув Кенгаши томонидан амалга оширилмаган бўлса;

13.2.10. Navoiyazot томонидан қонунчиликда белгиланган корпоратив бошқарув меъёрларига риоя этилиши бўйича Navoiyazot Кузатув Кенгашининг ҳисоботи.

13.3. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши шунингдек, Акциядорларнинг, Кузатув кенгашининг қарори ва Navoiyazot Ижроия органининг тавсияси бўйича мазкур Устав ва амалдаги қонунчиликда назарда тутилган тартибда Navoiyazot фаолиятининг бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқиши мумкин.

13.4. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишларида Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган ҳамда Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши ўтказилгунга қадар юзага келиб, дарҳол ҳал этилиши талаб қилинадиган масалалар кўриб чиқилади.

13.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш шакли, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Navoiyazot нинг Кузатув кенгаши томонидан мазкур Устав ва қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

Navoiyazot Акциядорларининг умумий йиғилишларини чақиртириш ва ўтказиш бўйича барча ишларни ижроия органи раҳбари (бошқарув раиси) олиб бориб, мазкур фаолиятни у Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширади.

13.6. Барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Қонун ва жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар фақат бундай акциядор томонидан қабул қилинади ва ёзма шаклда ижро этилиши лозим. Шу билан бирга, акциядорларнинг умумий йиғилишини тайёрлаш, чақириш ва ўтказиш тартиби ва муддатларини белгиловчи қоидалар қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш шартларига оид қоидалар бундан мустасно.

#### XIV. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШИНING ВАКОЛАТ ДОИРАСИ.

14.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киреди:

14.1.1. мазкур Уставнинг 14.4 ва 23.2.20-бандлари қоидаларини ҳисобга олган ҳолда Navoiyazot уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Navoiyazot нинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

14.1.2. Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

14.1.3. Navoiyazotнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

14.1.4. танлов натижалари асосида ижроия органи раҳбари (бошқарув раиси)ни сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

14.1.5. Navoiyazot ижроия органига тўланадиган мукофот ва/ёки компенсацияларни, шунингдек, уларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

14.1.6. Тафтиш комиссиясини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек, тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

14.1.7. Navoiyazotнинг Йиллик Ҳисоботини, бухгалтерлик балансларини, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш;

14.1.8. Navoiyazotнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

14.1.9. Кузатув Кенгаши томонидан тавсия этилаётган дивидендлар тақсимотини тасдиқлаш;

14.1.10. мазкур Уставнинг 14.4 ва 23.2.27 бандлари қоидаларини ҳисобга олган ҳолда Navoiyazot нинг йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва ўзоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегияси тасдиқлаш;

14.1.11. Navoiyazot Устав фондини камайтириш;

14.1.12. мазкур Уставнинг 14.4 ва 23.2.20 бандлари қоидаларини ҳисобга олган ҳолда Navoiyazot нинг Устав фондини кўпайтириш;

14.1.13. Navoiyazotнинг ўз акцияларини олиш;

14.1.14. Navoiyazotни қайта ташкил этиш;

14.1.15. Navoiyazot ни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

14.1.16. эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

14.1.17. қонунчиликда белгиланган ҳолларда йирик битимларни тузиш;

- 14.1.18. қонунчиликда белгиланган ҳолларда тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимларни тузиш;
- 14.1.19. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- 14.1.20. Navoiyazot Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Navoiyazot тафтиш комиссиясининг хулосаларини уларнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича, жумладан, Navoiyazot ни бошқариш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши бўйича эшитиш;
- 14.1.21. Navoiyazot томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 14.1.22. мазкур Устав ва 14.4-банд қоидаларини ҳисобга олган ҳолда қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 14.1.23. мазкур Уставнинг 14.4 ва 23.2.24 бандлари қоидаларини ҳисобга олган ҳолда Navoiyazot нинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 14.1.24. имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
- 14.1.25. мазкур Уставнинг 14.4 ва 23.2.21 бандлари қоидаларини ҳисобга олган ҳолда акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;
- 14.1.26. акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- 14.1.27. Navoiyazot Саноқ Комиссиясининг сон ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
- 14.1.28. мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 14.1.29. қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш.
- 14.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Navoiyazot нинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.
- 14.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:
- 14.3.1. Navoiyazot Navoiyazot нинг устав фондиди кўпайтириш, шунингдек Navoiyazot уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш Navoiyazot нинг устав фондиди кўпайтирилиши ва эълон қилинган камайтирилган акциялар миқдори билан боғлиқ;
- 14.3.2. қонунчиликка мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;
- 14.3.3. Navoiyazot томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 14.3.4. қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 14.3.5. Navoiyazot нинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 14.3.6. Navoiyazot нинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 14.3.7. Navoiyazot нинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;
- 14.3.8. Navoiyazot нинг бизнес-режасини тасдиқлаш;
- 14.4. Мазкур Уставнинг 23.2.20 - 23.2.27 бандларига мувофиқ, Navoiyazot Кузатув кенгаши юқоридаги 14.3.1 - 14.3.8 бандларда кўрсатилган масалалар бўйича мазкур Уставда белгиланган тартибда қарорлар қабул қилишга ҳақли. Navoiyazot

Кузатув кенгаши юқоридаги 14.3.1 - 14.3.8 бандларда кўрсатилган масалалар бўйича қарор қабул қила олмаса, бу масала бўйича Navoiyazot Акциядорларининг умумий йиғилиши қарор қабул қилади.

## XV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

15.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишнинг расмий эълон қилинган санасидан 3 (уч) иш куни аввал шакллантирилган Navoiyazot акциядорлари реестрида рўйхатга олинган акциядорлар Navoiyazot Акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этишга ҳақли.

15.2. Акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этишга ҳақли Акциядорлар рўйхатига ўзгартиришлар қонунчиликда белгиланган тартибда фақат ушбу рўйхатга уни тузиш санасида киритилмаган шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш учун ёки уни тузишда йўл қўйилган хатоликларни тузатишда киритилиши мумкин.

15.3. Акциядорнинг талабига кўра Navoiyazot Акциядорга у Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Акциядорларнинг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

15.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишида Акциядорлар реестрига киритилган, Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорлар, уларнинг вакиллари, Аудиторлик ташкилоти, Кузатув кенгаши аъзолари, Тафтиш комиссияси, Navoiyazot ижроия органи раҳбари (бошқарув раиси) иштирок этишга ҳақли. Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига сайланадиган номзодлар муҳокама этилганда кўриб чиқиладиган номзодлар Акциядорларнинг умумий йиғилишига таклиф этилиши мумкин.

15.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун Акциядорлар ёки уларнинг вакиллари Умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари лозим.

15.6. Йиғилишда иштирок этиш учун келган Акциядорлар – жисмоний шахсларни рўйхатга олиш паспорт/ идентификация ID-картаси ёки Акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат тақдим этилганда, Акциядорнинг ишончли вакилига нисбатан эса, шунингдек, нотариал тарзда тасдиқланган ишончнома тақдим этилганда амалга оширилади. Акциядор исталган пайтда ўзининг Умумий йиғилишдаги вакилини алмаштиришга ёки унда шахсан иштирок этишга ҳақли.

15.7. Юридик шахс бўлган Акциядорлар:

- юридик шахс раҳбари ҳозир бўлганда: лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ҳамда шундай юридик шахс раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида;
- Акциядорнинг ишончли шахси ҳозир бўлганда: юридик шахс раҳбарининг имзоси қўйилиб, ушбу юридик шахс муҳри билан тасдиқланган ишончнома асосида рўйхатга олинади.

15.8. Акциялар Умумий йиғилишни ўтказиш пайтида, Умумий йиғилишда иштирок этишга ҳақли шахсларнинг рўйхати тузилган санадан сўнг ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санага қадар бошқа шахс тасарруфига ўтказилганда, акцияларни ўтказаётган шахс уларни қўлга киритувчига овоз бериш учун ишончнома бериши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилишида акцияларни қўлга киритувчининг кўрсатмаларига биноан овоз бериши шарт.

15.9. Агар Navoiyazot нинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

15.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишига келган Акциядорлар, Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этишга ҳақли Акциядорлар реестрига мувофиқ рўйхатга олинади.

15.11. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этишга ҳақли Акциядорларнинг реестрига мувофиқ Акциядорларни рўйхатга олиш учун қайднома рўйхати тузилади. Қайднома рўйхати тахланган, рақамланган, тикилган ва Navoiyazot мухри билан тасдиқланган бўлиши лозим. Қайднома рўйхати Navoiyazot архивида, Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга алоқадор бошқа ҳужжатлар қаторида сақланиши лозим.

## XVI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК.

16.1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги қарорни Navoiyazot Кузатув кенгаши қабул қилиб, у:

16.1.1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, жой ва вақтни белгилайди. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) кундан кам ва 30 (ўттиз) кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас;

16.1.2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг кун тартибини тасдиқлайди;

16.1.3. Navoiyazotнинг ўтган йил учун йиллик ҳисоботини, бухгалтерлик балансини, фойда ва зарарлар ҳисоботини кўриб чиқади ва кўрсатилган ҳужжатларни тасдиқлаш учун Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади;

16.1.4. йиллик дивидендларни тўлаш масаласини кўриб чиқади, шундай дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади ва ҳамда шу масалани Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тасдиғига чиқаради;

16.1.5. Умумий йиғилиш ўтказилишидан хабардор қилиш учун Navoiyazot Акциядорлари реестрини тузиш санасини тасдиқлайди;

16.1.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун Navoiyazot Акциядорлари реестрини тузиш санасини тасдиқлайди;

16.1.7. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабардор қилишнинг тартиби ва шаклини белгилайди;

16.1.8. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик даврида Акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини белгилайди;

16.1.9. Кузатув кенгаши таркибига номзодлар рўйхатини кўриб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда ушбу масалани Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тасдиғига чиқаради;

16.1.10. Тафтиш комиссияси таркибига номзодлар рўйхатини кўриб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда ушбу масалани Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тасдиғига чиқаради;

16.1.11. Navoiyazot ижроия органи (бошқарув раиси) раҳбарлигига номзодни кўриб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда ушбу масалани Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тасдиғига чиқаради, башарти шундай қарор мазкур Уставнинг 14.4 ва 23.2.25 бандларига мувофиқ Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинмаган бўлса;

16.1.12. Navoiyazot нинг ташкилий тузилмасини кўриб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда ушбу масалани Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тасдиғига чиқаради;

16.1.13. Саноқ комиссияси таркибига номзодлар рўйхатини кўриб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда ушбу масалани Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тасдиғига чиқаради;

16.1.14. овоз бериш Бюллетени шакли ва матнини тасдиқлайди;

16.1.15. Navoiyazot tomonidan korporativ бошқарувнинг қонунчиликда белгиланган меъёрларига риоя этилиши бўйича Navoiyazot Кузатув кенгашининг ҳисоботи лойиҳасини эшитади ва тасдиқлайди.

16.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади

16.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ёзма хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

16.3.1. Navoiyazotнинг тўлиқ номланиши, жойлашган манзили;

16.3.2. Акциядорларнинг Йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

16.3.3. Navoiyazot акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

16.3.4. Акциядорларнинг Йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар;

16.3.5. умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби;

16.3.6. акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби.

16.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш жараёнида акциядорларга тақдим этилиши керак бўлган ахборот (материаллар) иштирокчи шахсларга, шу жумладан йиғилишдан олдин ва йиғилиш вақтида масофадан туриб ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилиши керак бўлган ахборот ларга (материалларга) қуйидагилар киради:

16.4.1. Navoiyazot нинг йиллик ҳисоботи;

16.4.2. Navoiyazot нинг молиявий-хўжалик фаолиятини йиллик текшируви натижалари бўйича Navoiyazot тафтиш комиссияси ва аудиторлик ташкилоти хулосаси;

16.4.3. Navoiyazot Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибига номзодлар тўғрисида маълумот;

16.4.4. ижроия органи раҳбари (бошқарув раиси) билан тузилган шартнома муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ва бекор қилиш имконияти тўғрисида Navoiyazot Кузатув кенгашининг хулосаси (башарти ижроия органи раҳбари (бошқарув раиси) билан тузилган шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарор мазкур Уставнинг 14.4 ва 23.2.25 бандларига мувофиқ Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинмаган бўлса);

16.4.5. Navoiyazot Уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Navoiyazot Уставининг янги таҳрири;

16.4.6. Ушбу рўйхат қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ёки Navoiyazot Кузатув кенгашининг қарори билан тўлдирилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

16.5. Navoiyazot овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1% (бир фоизи)га эгаллик қилувчи Акциядорлар (Акциядор) молия йили тугаганидан кейин 90 (туксон) кундан кечиктирмай, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига бу органларнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.

16.6. Акциядорлар (акциядор) Navoiyazot Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига Акциядорларнинг Йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

16.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган Акциядорнинг исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

16.8. Кузатув кенгашига ва/ёки Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Navoiyazot акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

16.9. Кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқади ҳамда мазкур Уставнинг 16.5 ва 16.6 бандларида белгиланган муддат тугаганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай уларни Акциядорларнинг Йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

16.10. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

16.10.1. мазкур Уставнинг 16.5-бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

16.10.2. акциядорлар (акциядор) мазкур Уставнинг 16.5-бандида назарда тутилган миқдордаги Navoiyazot овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

16.10.3. Navoiyazotнинг сайланма органларига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

16.10.4. таклифлар ушбу қонунчилик талабларига ва/ёки Navoiyazot Уставига мувофиқ бўлмаса.

16.11. Кузатув кенгашининг масалани Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки тақдим этган Акциядорларга (Акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай юборилади.

16.12. Акциядорлар, жумладан миноритар акциядорлар овоз беришда уларнинг биргаликда ҳамкорлик вазиятини шакллантириш учун акциядорлик келишувларини тузиш ҳуқуқига эга. Миноритар акциядорлар АЖ бошқарув органлари фаолиятига ҳужжатларни асоссиз талаб қилиш ва махфий ахборот, савдо сирларидан фойдаланиш йўли билан тўсқинлик қилиши мумкин эмас. Миноритар акциядорлар қўмитасини тузиш ҳаражатлари АЖ маблағи ҳисобига (миноритар акциядорлар қўмитаси тузилганда) қопланади.

## **XVII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК.**

17.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида ёки:

- жамият Тафтиш комиссиясидан;

- ёзма талаб тақдим этилган санада Navoiyazot овоз берувчи акцияларининг камида 5% (беш фоизи)га эгаллик қилувчи Акциядордан (Акциядорлардан) ёзма талаб олинганда ўтказилади.

17.2. Тафтиш комиссиясининг ёки Navoiyazot овоз берувчи акцияларининг камида 5% (беш фоизи)га эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай амалга оширилади. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг ташаббуси билан чақириш Кузатув кенгаши белгилаган муддатларда амалга оширилади.

17.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

17.4. Кузатув кенгаши Navoiyazot Тафтиш комиссиясининг ёки Navoiyazot овоз берувчи акцияларининг камида 5% (беш фоизи)га эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибигаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

17.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб Акциядордан (Акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда Умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган Акциядорнинг (Акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

17.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

17.7. Тафтиш комиссияси ёки Navoiyazot овоз берувчи акцияларининг камида 5% (беш фоизи)га эгалик қилувчи Акциядор (Акциядорлар) Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 (ўн) кун ичида Кузатув кенгаши Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

17.8. Тафтиш комиссиясининг ёки Navoiyazot овоз берувчи акцияларининг камида 5% (беш фоизи)га эгалик қилувчи Акциядорнинг (Акциядорларнинг) талабига кўра Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

17.8.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг 5% (беш фоизи)га эга бўлмаса;

17.8.2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

17.8.3. кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса.

17.9. Кузатув кенгашининг Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантилган қарори Кузатув кенгаши томонидан йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан 3 (уч) иш кундан кечиктирмай юборилади.

17.10. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

17.11. Кузатув кенгаши 10 (ўн) иш куни ичида Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни мазкур Уставнинг 17.8-бандида кўрсатилмаган сабаблар бўйича рад

этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

17.12. Бундай ҳолларда Акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қарорига кўра Navoiyazot маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

17.13. Навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида Акциядорларга хабар қилиш тартиби ва бундай хабарга қўйиладиган талаблар мазкур Уставнинг 16.2 ва 16.3 бандларига мувофиқ бўлиши керак.

## **XVIII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ КВОРУМИ**

18.1. Агар Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Navoiyazot нинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50% (эллик фоизи) дан кўпроқ овозига эга бўлган Акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг (Йиллик, Навбатдан ташқари) умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

18.2. Агар йиғилиш бошланиши тайинланган вақтдан сўнг ўттиз (30) минут давомида йиғилиш кворуми тўпланмаса, Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

18.3. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Navoiyazot нинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40% (қирк фоизи) дан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади. Агар такрорий йиғилиш бошланиши тайинланган вақтдан сўнг ўттиз (30) дақиқа давомида йиғилиш кворуми тўпланмаса, йиғилиш тарқатиб юборилади.

18.4. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш ушбу Уставнинг 16.2 ва 16.3 бандларида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

18.5. Кворум бўлмаганлиги сабабли Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 (йигирма) кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорлар ўтказилмай қолган Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

## **XIX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ.**

19.1. Қуйидагилар Акциядорлар умумий йиғилишининг Ишчи органлари ҳисобланади: Акциядорлар умумий йиғилишининг Раиси, Акциядорлар умумий йиғилишининг Саноқ комиссияси ва Котиби.

19.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Navoiyazot Кузатув кенгашининг Раиси, у узрли сабаблар билан ҳозир бўлмаган ҳолларда эса Navoiyazot Кузатув кенгаши аъзоларидан бир олиб боради. Акциядорларнинг умумий йиғилишида Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларини иштирок этишининг имкони бўлмаган ҳолда Акциядорларнинг умумий йиғилишини Navoiyazot ижроия органи раҳбари (бошқарув раиси) олиб боради.

19.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қилади, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг чиқиш вақтини чеклайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз беришга одид тушунтириш беради, залда тартиб бўлишини назорат қилади.

19.4. Йиғилиш котиби ёзма равишда Йиғилиш Баённомасини тайёрлайди.

19.5. Кворумни аниқлаш учун овозларни санаб чиқиш, шунингдек Акциядорларнинг умумий йиғилиши овоз бериш натижаларини аниқлаш учун Саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби Кузатув кенгашининг таклифи билан акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

19.6. Саноқ комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Саноқ комиссияси таркибига Кузатув кенгашининг аъзолари, Тафтиш комиссиясининг аъзолари, ижроия органи раҳбари (бошқарув раиси), шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

19.7. Саноқ комиссияси унга юкланган вазифаларни бажариш соҳасида йиғилишнинг доимий фаолият юритувчи мустақил органи ҳисобланади.

19.8. Саноқ комиссияси ваколатининг муддати у Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб токи Саноқ комиссиясининг янги таркиби Акциядорларнинг тегишли (Йиллик ёки Навбатдан ташқари) умумий йиғилиши томонидан сайланадиган (қайта сайланадиган) пайтгача ҳисобланади.

19.9. Акциядорларнинг аввалги умумий йиғилиши томонидан сайланган Саноқ комиссияси Акциядорларнинг умумий йиғилишида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

19.9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этишлари учун Акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатга олади;

19.9.2. ишончномалар ва улар тақдим этадиган ҳуқуқларнинг ҳисобини юритади;

19.9.3. овоз бериш Бюллетенларини ва Акциядорлар умумий йиғилишининг бошқа ахбороти (материаллари)ни беради;

19.9.4. Акциядорлар умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди;

19.9.5. Умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг Акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради;

19.9.6. овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

19.9.7. овоз беришнинг белгиланган тартибини ҳамда Акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди;

19.9.8. овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради;

19.9.9. овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади;

19.9.10. овоз бериш Бюллетенларини ва овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённомани архивга топширади.

19.10. Умумий йиғилиш Раисининг таклифи ва Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан Умумий йиғилиш Президиуми тузилиши мумкин. Президиум таркибига Акциядорлар ва/ёки уларнинг вакиллари, Navoiyazot ижроия органи раҳбари (бошқарув раиси), Navoiyazot Кузатув кенгаши аъзолари киритилиши мумкин. Умумий йиғилиш Президиумининг сон таркиби исталганча бўлиши мумкин. Умумий йиғилиш Президиумига номзодларни сайлаш бўйича овоз бериш ўтказилмайди.

19.11. Умумий йиғилиш Президиуми амалдаги қонунчиликка мувофиқ Йиғилишнинг ишчи органи ҳисобланади ҳамда қарор қабул қилиш ва/ёки Акциядорлар томонидан қарорлар қабул қилинишига таъсир этишга ҳеч қандай ваколатга эга эмас. Умумий йиғилиш Президиуми бирдан-бир мақсад Акциядорлар умумий йиғилишининг унумли ва аниқ ишлашини таъминлаш ҳамда Акциядорлар умумий йиғилиши регламентига риоя этилиши устидан кузатиш учун тузилади.

19.12. Кузатув кенгаши аъзолари, ижроия органи раҳбари (бошқарув раиси), тафтиш комиссияси, Аудиторлик ташкилоти Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлиб, башарти акцияларга эга бўлмасалар ки акциядорнинг вакили сифатида иштирок этмасалар, овоз бериш ҳуқуқисиз маъруза қилишлари мумкин.

## XX. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШЛАРИДА ОВОЗ БЕРИШ.

20.1. Йиғилишда шахсан ёки вакили орқали иштирок этаётган ҳар бир акциядор ўзи рўйхатга олинган эгаси ҳисобланган ҳар бир акция учун битта овозга ҳақлидир.

20.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга оширилади. Овоз бериш бюллетенининг шакли ва мазмуни Navoiyazot акциядорлик жамияти кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият Кузатув кенгаши томонидан чақирилмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

20.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш, Navoiyazot Уставида ёки қонунчиликда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси – битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади.

20.4. Овоз бериш бюллетенида: Navoiyazot нинг тўлиқ фирма номи, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва вақти, овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиш навбати, овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари кўрсатилган бўлиши (бундан овоз беришга қўйилган масалага «ёқлайман» деган мазмундаги сўз билан ифодаланмайдиган кумулятив овоз бериш мустасно), овоз бериш бюллетени акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма бўлиши керак.

20.5. Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки тафтиш комиссияси аъзосини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

20.6. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади. Бунда мазкур Уставнинг 14.1.1, 14.1.14, 14.1.15, 14.1.17, 14.1.18 ва 14.1.21-кичик бандларида назарда тутилган, қабул қилиниши учун Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган, овоз берувчи акциялари эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисм кўпчилиги (малакали кўпчилиги) талаб этиладиган масалалар мустасно.

20.7. Бюллетенлар орқали овоз берилганда, овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

20.8. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан юқоридаги 20.7 бандда кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

20.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

20.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз беришда овоз бериш бюллетенларидан фойдаланилмайди.

Бунда овоз беришга қўйилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги акциядорни акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказишда фойдаланиладиган электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

20.11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари овоз бериш ўтказилган Акциядорларнинг умумий йиғилишида эълон қилинади, шунингдек, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда, бироқ бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 14 (ўн тўрт) тақвим кунидан кечиктирмай овоз бериш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботни чоп этиш йўли билан Акциядорлар эътиборига етказилади.

20.12. Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

## **XXI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ.**

21.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Регламентга мувофиқ олиб борилади.

21.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш Регламентида маърузалар ва танаффусларнинг давомийлиги ва тартиби, масалаларни муҳокама қилиш тартиби, масалалар ва маърузачиларга қўйиладиган талаблар, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартиби назарда тутилади. Агар Умумий йиғилиш бошланишида Акциядорларда регламент бўйича қўшимча таклифлар юзага келмаса, Умумий йиғилишни олиб бориш регламентини тасдиқлаш масаласи юзасидан овоз бериш ўтказилмайди. Агар Акциядорларда регламент бўйича қўшимча таклифлар юзага келса, бундай масалалар бўйича қўл кўтариб овоз бериш ўтказилади. Саноқ комиссияси овозларни ҳисоблайди ва қарор оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинган ҳисобланади.

21.3. Йиғилиш жараёнида юзага келадиган жорий масалаларни Умумий йиғилиш Раиси яқкабош тартибда, муҳокама этилаётган масала бўйича ажратилган вақт доирасида ҳар бир иштирокчи Акциядорларнинг умумий йиғилишида маъруза қилишга ҳақли деган бош тамойилдан келиб чиқиб ҳал қилади.

21.4. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда иштирок этишни истовчилар Акциядорлар умумий йиғилишининг Котибига муҳокама этиладиган масалани кўрсатиб ёзма ариза топширади.

21.5. Кун тартибидаги барча масалалар муҳокама қилиниб, Акциядорлар овоз бериш натижаларидан хабардор қилинганидан сўнг Йиғилиш Раиси Акциядорларнинг умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қилади.

## **XXII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНING БАЁННОМАСИ.**

22.1. Умумий Йиғилиш котиби:

22.1.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг боришини ёзиб боради;

22.1.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасини рус ёки ўзбек тилида икки нусхада тузади.

22.2. Умумий Йиғилиш котиби, умумий йиғилиш боришининг стенографик ҳисоботини тузиш учун стенографистлардан фойдаланиши мумкин. Бундай стенографик ҳисоботдан Йиғилиш Котиби Умумий йиғилиш баённомасини тайёрлаш учун фойдаланади.

22.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

22.3.1. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

22.3.2. жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи Navoiyazot акциядорлари эга бўлган овозларнинг умумий сони;

22.3.3. умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

22.3.4. умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котибининг фамилияси, исми-шарифи ва лавозими;

22.3.5. акциядорларнинг умумий йиғилишининг кун тартиби;

22.3.6. маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, акциядорларнинг умумий йиғилиши қабул қилган қарорлар.

22.4. Умумий йиғилиш баённомаси йиғилиш Раиси ва Котиби томонидан имзоланади. Йиғилиш Раиси ва/ёки Котиби Акциядорларнинг исталган умумий йиғилиши баённомаларининг нусхаларини ва улардан кўчирмаларни тасдиқлашга ҳақли.

22.5. Умумий йиғилиш баённомаси Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмасдан тузилади.

22.6. Овоз бериш яқунлари бўйича Ҳисоб комиссияси овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, унга Ҳисоб комиссияси а'золари имзо чекади. Овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённомага акциядорлар умумий йиғилишининг, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказиладиган йиғилишнинг кворумининг мавжудлиги тўғрисидаги ма'лумотлар киритилади.

22.7. Овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённома Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомасига тиркалиши лозим.

22.8. Овоз бериш яқунлари баённомаси тузилиб, акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси имзолангандан сўнг қоғоз ёки электрон ташувчидаги овоз бериш бюллетенлари, умумий йиғилишни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар Ҳисоб комиссияси томонидан муҳрланади ва сақлашга топширилади. сақлаш учун корхона архиви.

### XXIII. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

23.1. Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчилик ва мазкур Устав билан акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколати доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

23.2. Navoiyazot Кузатув кенгаши ваколатларига қўйидагилар киради:

23.2.1. Navoiyazot нинг устувор йўналишларини белгилаш;

23.2.2. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

23.2.3. Navoiyazot акциядорлари умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

23.2.4. Navoiyazot акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

23.2.5. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Navoiyazot акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

23.2.6. амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда назарда тутилган масалаларни, жумладан, Navoiyazot Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда Navoiyazot Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

23.2.7. Navoiyazot мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

23.2.8. Navoiyazot акциядорларининг умумий йиғилишида тасдиқлаш учун Navoiyazotнинг Саноқ комиссиясини миқдорий ва шахсий таркиби бўйича таклифларни тасдиқлаш;

23.2.9. Navoiyazot нинг корпоратив маслаҳатчисини тайинлаш;

23.2.10. ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, ички аудит хизмати ходимларини аттестациялашдан ўтказиш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш. Жамиятнинг Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

23.2.11. жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

23.2.12. дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

23.2.13. Navoiyazot нинг Захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

23.2.14. жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш ва уларни тугатиш;

23.2.15. жамиятнинг филиалларини ташкил этиш/тугатиш ва ваколатхоналарини очиш/ёпиш;

23.2.16. амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

23.2.17. амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда аффилланган шахслар билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

23.2.18. жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

23.2.19. Navoiyazot бизнес-режаси бажарилиши тўғрисида Navoiyazot ижроия органи раҳбари (бошқаруви раиси)нинг ҳисоботини ҳар чорақда тинглаш ва тасдиқлаш;

23.2.20. Navoiyazot нинг устав фондиди кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондиди кўпайтириш ва эълон қилинган камайтирилган акциялар билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш;

23.2.21. қонунчиликка мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

23.2.22. Navoiyazot томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

23.2.23. қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

23.2.24. Navoiyazot нинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

23.2.25. Жамият бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш) (унинг раисидан ташқари), уларнинг ваколатини муддатдан олдин тўхтатиш;

23.2.26. жамиятнинг ижроия органига ва ижроия органи раҳбарига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

23.2.27. Navoiyazot йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бу ҳолда Navoiyazotнинг кейинги йилга мўлжалланган бизнес-режаси Navoiyazot Кузатув кенгашининг мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечикмасдан маъқулланиши лозим.

23.2.28. аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

23.2.29. акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонунчиликда белгиланган чегараларда маълумотларни акциядорлик жамиятининг корпоратив веб – сайтига жойлаштириш орқали хайрия (хомийлик) ёки текин ёрдам кўрсатиш (олиш) ва қарорлар қабул қилиш шартлари тартибини белгилаш;

23.2.30. мазкур Устав ва амалдаги қонунчилик билан Кузатув кенгаши ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш;

23.2.31. янги кўчмас мулкни сотиб олиш ёки қуриш, тадбиркорлик субъектларининг устав капиталидаги улушларини олиш ва асосий фаолият турига мос келадиган қўшимча фаолият турларини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

23.2.32. Navoiyazot акциядорлик жамияти ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг мулкни бегоналаштириш, сотиш шакллари ва механизмлари, устав капиталига инвестициялар киритиш тўғрисида учинчи шахслар томонидан шартномалар (битимлар, шартномалар, меморандумлар ва бошқалар) тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

23.2.33. Navoiyazot ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Navoiyazot Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Navoiyazot Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин.

23.3. Кузатув кенгаши Navoiyazot акциядорларининг йиллик умумий йиғилишларида корпоратив бошқарувнинг қонунчиликда белгиланган меъёрларига риоя этилиши юзасидан ҳисоб беради.

23.4. Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

23.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Navoiyazot кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва/ёки кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари Navoiyazot акциядорларининг умумий йиғилиши қароридан белгиланади.

#### XXIV. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ.

24.1. Жамият Кузатув кенгаши 7 (етти) аъзодан иборат, улардан 2 таси мустақил аъзолардир. Кузатув кенгашининг миқдорий таркиби Navoiyazot Акциядорлари Умумий йиғилиши қарорига асосан ўзгартирилиши мумкин.

24.2. Navoiyazot Кузатув кенгаши аъзолари қонунчиликда ва Navoiyazot Уставида назарда тутилган тартибда Акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

24.3. Navoiyazot Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахслар чекланмаган марта қайта сайланиши мумкин, мустақил аъзолар бундан мустасно. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорига асосан Navoiyazot Кузатув кенгашининг ҳар қайси аъзоси (аъзолари) ваколатлари муддатдан олдин тугатилиши мумкин.

24.4. Меҳнат шартномаси (контракти) бўйича Navoiyazot ишловчи шахслар Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

24.5. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилишга таъсир қилганлик учун мукофотни бевосита ёки билвосита олишга ҳақли эмас.

24.6. Кузатув кенгаши аъзолари шахсий бойлик орттириш мақсадида Navoiyazot имкониятларидан (мулкий ёки номулкий ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, жамият фаолияти ва режалари тўғрисида ахборотдан) фойдаланишга ҳақли эмас.

24.7. Navoiyazot Акциядорлари Умумий йиғилиши Navoiyazot Кузатув кенгаши таркибига сайланаётган шахсларга қўшимча талабларни қўйиши мумкин.

24.8. Navoiyazot Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. Энг кўп овозлар тўлган номзодлар Кузатув кенгашига сайланган деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган кузатув кенгаши аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак

## XXV. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ВА КОТИБИ.

25.1. Кузатув кенгаши аъзолари сайланган Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилганидан сўнг ўтказиладиган Кузатув кенгашининг биринчи мажлисида Кузатув кенгаши аъзолари ўз таркибидан Кузатув кенгаши мажлисида ҳозир бўлган ва овоз берувчи аъзоларининг кўпчилик овози билан Раисни сайлайдилар.

25.2. Navoiyazot Кузатув кенгаши Кузатув кенгаши мажлисида ҳозир бўлган ва овоз берувчи аъзоларининг кўпчилик овози билан ўз Раисини қайта сайлаш ҳуқуқига эга.

25.3. Кузатув кенгаши Раиси:

25.3.1. Кузатув кенгаши ишини ташкиллаштиради;

25.3.2. Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

25.3.3. Кузатув кенгаши мажлисларида Кузатув кенгаши мажлиси баённомаси юритилишини ташкиллаштиради;

25.3.4. Navoiyazot номидан ижро этувчи орган раҳбарини (бошқарув раисини) ёллаш тўғрисида меҳнат шартномасини тузади, агар Кузатув кенгаши бундай ваколатларни бошқа шахсга бермаган бўлса.

25.4. Кузатув кенгаши қарор қабул қилишда Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда, Navoiyazot Кузатув кенгаши Раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга.

25.5. Кузатув кенгаши Раиси бўлмаган тақдирда, унинг вазифаларини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажаради.

## XXVI. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИ.

26.1. Кузатув кенгаши мажлислари заруриятга қараб ўтказилади.

26.2. Кузатув кенгаши мажлислари Кузатув кенгаши Раиси томонидан чақирилади:

26.2.1. ўз ташаббусига кўра;

26.2.2. Кузатув кенгаши аъзосининг талабига кўра;

26.2.3. Тафтиш комиссияси талабига кўра;

26.2.4. Navoiyazot ижро этувчи органи раҳбари (бошқарув раиси) нинг талабига кўра.

26.3. Кузатув кенгаши мажлисини чақириш ташаббускори Кузатув кенгаши аъзоларига хабарнома юбориш йўли билан уларни мажлис чақирилиши тўғрисида хабардор қилиши керак.

26.4. Кузатув кенгаши мажлисини чақириш тўғрисида хабарнома қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

26.4.1. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш санаси, вақти ва жойи;

26.4.2. Мажлиснинг кун тартиби.

26.5. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси бундай хабарнома олган кундан сўнг 10 (ўн) кун ичида Кузатув кенгаши Раисига кун тартибига киритиш учун қўшимча саволлар рўйхатини тақдим қилишга ҳақли.

26.6. Кузатув кенгаши Раиси барча тушган таклифларни (агар улар бўлса) кўриб чиқади ва зарур бўлган тақдирда, мажлисининг якуний кун тартибининг тайёрлайди ва уни ижро этувчи органга Кузатув кенгаши аъзоларига бериш учун юборади.

26.7. Кузатув кенгаши аъзоси томонидан киритилган масала Кузатув кенгаши мажлиси кун тартибига киритилиши лозим, қуйидаги ҳоллар ташқари:

26.7.1. Кузатув кенгаши аъзоси мазкур Уставнинг 26.5-бандида белгиланган муддатга риоя қилмаган;

26.7.2. таклифлар қонунчилик ва/ёки Navoiyazot Устави талабларига мувофиқ эмас.

26.8. Кузатув кенгаши мажлисида фақат кун тартибида кўрсатилган масалалар кўриб чиқилади. Бироқ, Navoiyazot Кузатув кенгашининг барча ҳозир бўлган аъзоларининг бир овоздан қабул қилинган қарорига асосан Кузатув кенгаши қўшимча саволларни кун тартибига киритиши ва уларни кўриб чиқиши мумкин.

26.9. Кузатув кенгаши мажлислари видеоконференцалоқа тизими ёки мажлисда шахсан иштирок этиш орқали ўтказилиши мумкин. Кузатув кенгашининг ҳар қайси аъзоси видеоконференцалоқа тизими бўйича иштирок этиши ва овоз бериши мумкин, агар у мажлисда жисмоний иштирок этиш имкониятига эга бўлмаса. Бунда Ижро этувчи орган бундай илтимос келиб тушганда ушбу алоқани ташкиллаштириш учун барча керакли чораларни кўриши керак. Агар мажлисда иштирок этувчи Кузатув кенгашининг ҳар қайси аъзоси билан видеоконференцалоқа узилиб қолса, мажлис у тикланганидан сўнг тўхтатилиб туради.

26.10. Кузатув кенгаши қарорлари сиртдан овоз бериш (сўров йўли) орқали Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорлар Кузатув кенгаши томонидан Ёзма Резолюция билан расмийлаштирилади. Бундай Ёзма Резолюцияларга мазкур Уставнинг Кузатув кенгаши мажлиси кворуми ва овоз бериш тартибига тааллуқли қоидалари қўлланилади. Ёзма шаклда расмийлаштирилган ва Кузатув кенгашининг шу пайтда ҳақиқий бўлган аъзолари томонидан имзоланган Ёзма Резолюция (қабул қилинган қарорни сўзсиз маъқуллайдиган) Кузатув кенгаши мажлисида тегишли тарзда қабул қилинган резолюция каби кучга эга бўлади. Бундай Ёзма Резолюция адекват шаклдаги битта ёки бир нечта ҳужжатларда бўлиши мумкин ва улардан ҳар бири Кузатув кенгашининг битта ёки ундан кўпроқ аъзолари томонидан имзоланади.

26.11. Кузатув кенгаши мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлиси баённомаси у ўтказилган санадан кечи билан 10 (ўн) кун ичида тузилади.

26.12. Кузатув кенгаши мажлиси баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

26.12.1. уни ўтказиш санаси, жойи ва вақти;

26.12.2. йиғилишда ҳозир бўлган шахслар, шу жумладан масофадан туриб ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда;

26.12.3. мажлисининг кун тартиби;

26.12.4. овозга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш натижалари;

26.12.5. қабул қилинган қарорлар.

26.13. Navoiyazot Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Navoiyazot Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади ва улар баённома тўғри расмийлаштирилганлиги учун жавобгар бўлади.

26.14. Navoiyazot Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси у имзоланган куни Navoiyazot ижро этувчи органига ижро этилиши учун берилади. Кузатув кенгаши томонидан Акциядорлар Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу қарор тўғрисида ахборот Кузатув кенгаши мажлиси ўтказилган куни Navoiyazot ижро этувчи органига берилади.

## **XXVII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИНГ КВОРУМИ ВА ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ.**

27.1. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгашининг сайланган аъзолари сонидан 75% (етмиш беш фоизни) ташкил қилади.

27.2. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 75% (етмиш беш фоиздан) кам бўлиб қолган тақдирда, Navoiyazot Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Навбатдан ташқари Акциядорларнинг Умумий йиғилишини чақиртириши шарт.

Кузатув кенгашининг қолган аъзолари фақат бундай Навбатдан ташқари Акциядорларнинг Умумий йиғилишини чақиртириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек ижро этувчи орган раҳбарининг ваколатлари муддатидан олдин тугатилганда, унинг мажбуриятларини вақтинча ижро этувчи шахсни тайинлашга ҳақли.

27.3. Кузатув кенгаши мажлисларида қарорлар Кузатув кенгашининг мажлисда иштирок этувчи аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, Кузатув кенгаши аъзоларининг бир овоздан қарор қабул қилиниши талаб қилинадиган 23.2.21-банда кўрсатилган қарорлар бундан мустасно. Кузатув кенгаши мажлисида масалаларни ҳал этишда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга ҳақли.

27.4. Navoiyazot Кузатув кенгаши Раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолатларда ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга.

27.5. Кузатув кенгаши аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришга йўл қўйилмайди.

## XXVIII. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ

28.1. Navoiyazot жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш жамият бошқаруви томонидан амалга оширилади.

28.2. Жамият бошқаруви 8 (саккиз) аъзодан иборат.

28.3. Бошқарув Кузатув кенгаши (Бошқарув раисидан ташқари) томонидан қонунчилик ва «Navoiyazot» Уставида белгиланган тартибда уч йил муддатга сайланадиган Бошқарув раиси, унинг биринчи ўринбосарлари ва бошқарув раиси ўринбосарларидан иборат, қайта сайлаш ҳолатлари эса- конкурс асосида танлаб олиш натижалари ҳамда уларнинг амалга ошириладиган вазифалар, ишлаб чиқариш, маркетинг, молия, ҳодимлар, лойиҳалар, режалаштириш ва шу каби соҳаларда малакага эгаллигига қараб. Бошқарув раиси этиб тайинланган (қайта тайинланган) шахс кетма-кет икки муддатдан ортиқ бошқарув раиси бўлиши мумкин эмас.

28.4. Бошқарув Кузатув кенгаши (Бошқарув раисидан ташқари) томонидан қонунчилик ва «Navoiyazot» Уставида белгиланган тартибда бир йил муддатга сайланадиган Бошқарув раиси, унинг биринчи ўринбосари ва бошқарув раиси ўринбосарларидан иборат, қайта сайлаш ҳолатлари эса- конкурс асосида танлаб олиш натижалари ҳамда уларнинг амалга ошириладиган вазифалар, ишлаб чиқариш, маркетинг, молия, ҳодимлар, лойиҳалар, режалаштириш ва шу каби соҳаларда малакага эгаллигига қараб;

28.5. Navoiyazot ижро этувчи органи ва унинг раҳбарининг ваколатлари жумласига Navoiyazot жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича барча масалалар киради, Navoiyazot акциядорлари умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

28.6. Navoiyazot ижро этувчи органи Navoiyazot акциядорлари умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкиллаштиради.

28.7. Жамият бошқаруви Раиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

28.7.1. Navoiyazot номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш, шу жумладан унинг манфаатларини бошқа ташкилотлар ва органлар билан, шу жумладан давлат органлар билан ўзаро муносабатларда ифода этиш, Navoiyazot номидан битимларни тузиш, Navoiyazot филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш, шатларни тасдиқлаш, Navoiyazot барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқларни чиқариш ва кўрсатмаларни бериш;

28.7.2. Navoiyazot бошқариш ва ўз ваколатлари доирасида мустақил қарорларни қабул қилиш;

28.7.3. Navoiyazot кундалик хўжалик фаолиятининг ишлаб чиқариш, ташкилий, молиявий ва тижорат жабҳаларини бошқариш;

28.7.4. контрактлар ва шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузиш;

28.7.5. Navoiyazot ходимларидан меҳнат шартнома, ички меҳнат тартиби қоидалари ва Navoiyazot амалда бўлган бошқа қоидалар ва низомлар билан шартланган ишни лозим даражада бажаришларини талаб қилиш;

28.7.6. Navoiyazot ходимлари билан меҳнат ва бошқа шартномаларни тузиш ва тугатиш ҳуқуқини бошқага бериш;

28.7.7. Navoiyazot ходимлари билан меҳнат шартномалари тузишда улар учун хизмат ва тижорат сирини ташкил қилувчи малумотлар ҳажми ва таркибини белгилаш;

28.7.8. Navoiyazot номидан ишончномалар бериш;

28.7.9. банкларда Navoiyazot ҳисоб-китоб ва бошқа рақамларини очиш ва ёпиш;

28.7.10. битимларни тузиш, Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатлари жумласига киритилган битимлар бундан мустасно;

28.7.11. Navoiyazot Уставида шартлаб ўтилган чегараларда мулк ва пул маблағларини тасарруф этиш;

28.7.12. унга бўйсунадиган барча ходимлар ижро этиши мажбур бўлган Navoiyazot фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича буйруқлар ва фармойишлар чиқариш;

28.7.13. жамият ходимлари томонидан меҳнат интизоми бузилган тақдирда, уларга интизомий жазо чораларини қўллаш, шунингдек ушбу ваколатларни бошқа шахсга бериш;

28.7.14. Navoiyazot ходимларини рағбатлантириш;

28.7.15. Navoiyazot ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш, кейинчалик уларни акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқлаш билан. Акциядорларнинг умумий йиғилиши тасдиқлаган ташкилий тузилма асосида Navoiyazot штат жадвалини тасдиқлаш, малакали ходимлар билан тўлдириш;

28.7.16. банк ҳужжатларига имзо чекиш ҳуқуқига эга шахслар рўйхатини тасдиқлаш;

28.7.17. Navoiyazot номидан жамоа музокараларга киришиш ва жамоа шартномаларини тузиш;

28.7.18. унинг ваколатлари жумласига киритилган масалалар ҳал этилишини таркибий бўлинмалар раҳбарларига топшириш;

28.7.19. Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда, Акциядорлар Умумий йиғилиши ўтказилиши ташкилотчиси ва координатори бўлиш, шу жумладан Акциядорларга Умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида хабарномаларни тарқатиш, барча керакли ҳужжатларни тайёрлаш ва Акциядорлар Умумий йиғилиши ўтказилишини ташкиллаштириш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

28.7.20. Navoiyazot бошқарувининг тузилмавий бўлинмалари тўғрисида низомларни тасдиқлаш.

28.8. Жамият бошқаруви раиси қўйидагиларга мажбур:

28.8.1. ўз ваколатлар доирасида Navoiyazot жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатлари жумласига киритилган масалалар бундан мустасно, унинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда;

28.8.2. Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари ижро этилишини ташкиллаштириш;

28.8.3. Navoiyazot ишлаб чиқариш бирликлари, цехлари ва бошқа тузилмавий бўлинмаларининг ўзаро самарали ишлашини таъминлаш;

28.8.4. Navoiyazot шартномавий мажбуриятлари бажарилишини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорда фойда олишни таъминлаш;

- 28.8.5. Navoiyazot дастурлари ва бизнес режалари ишлаб чиқилишини бошқариш, улар бажарилишини ташкиллаштириш ва назорат қилиш;
- 28.8.6. Кузатув кенгашига Navoiyazot йиллик бизнес режасини бажариш жараёни тўғрисида ҳар чорак ҳисоботни тақдим қилиш;
- 28.8.7. Navoiyazot фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилишни таъминлаш;
- 28.8.8. Navoiyazot бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ташкил қилиниши, лозим даражада ҳолати ва ишончлигини таъминлаш, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботларни, шунингдек Акциядорлар, кредиторлар ва маълумотларни олувчи бошқа олувчиларга юбориладиган жамият тўғрисида маълумотларни ўз вақтида тақдим қилиш;
- 28.8.9. Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки аудиторлик ташкилотининг талабига кўра Navoiyazot молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳуддатларни тўсиқларсиз тақдим қилиш;
- 28.8.10. тегишли органларга давлат статистик ҳисоботлар тўлалиги ва ўз вақтида тақдим қилинишини таъминлаш;
- 28.8.11. Navoiyazot тижорат сирини ташкил қилувчи ахборотни ошкор қилмаслик, агар унинг вазифалари доирасига бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш кирмаса;
- 28.8.12. Navoiyazot ходимлари томонидан хизмат ёки тижорат сирни ташкил қилувчи ахборот ошкор қилинмаслигини таъминлаш;
- 28.8.13. Navoiyazot малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича, Navoiyazot ходимларининг билимлари, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан янада яхши фойдаланиш бўйича чораларни кўриш;
- 28.8.14. меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини сақлаш;
- 28.8.15. Navoiyazot ходимларининг ижтимоий кафолатлари ва меҳнатни муҳофаза қилинишига риоя қилишни таъминлаш;
- 28.8.16. жамоа шартнома ва келишувларни тузишда иш берувчи сифатида қатнашиш. Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;
- 28.8.17. Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига унинг ваколатлари жумласига кирувчи ишлар ҳолати тўғрисида маърузаларни ўрнатилган муддатларда тақдим қилиш;
- 28.8.18. Акциядорларнинг амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ахборотни олиш, Акциядорлар Умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
- 28.8.19. Navoiyazot жамиятининг ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигининг қоидаларига риоя қилиш;
- 28.8.20. Акциядорлар Умумий йиғилиши ва/ёки Кузатув кенгаши унга топшириши мумкин бўлган бошқа мажбуриятларни бажариш.
- 28.9. Бошқарув раиси бўлмаганида, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Navoiyazot тегишли буйруғи билан бошқа шахсга топширилади.
- 28.10. Navoiyazot бошқарув раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг органларидаги лавозим билан бирга ишлашга фақат Navoiyazot Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.
- 28.11. Жамият бошқаруви «Navoiyazot» устави асосида иш юритади ва ўз ваколати доирасида қуйидаги мажбурият ва ҳуқуқларга эга:
- 28.11.1. Жамиятнинг мол–мулки ва пул маблағларини бошқариш;
- 28.11.2. Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низом ва жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- 28.11.3. Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгашининг ваколатига киритилган ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш бундан мустасно;

28.11.4. Жамиятнинг таркибий бўлинмалари томонидан бажарилиши шарт бўлган Жамият Бошқаруви қарорларини қабул қилиш.

28.11.5. Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни бажарилишини назорат қилиш;

28.11.6. Жамиятнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишини таъминлаш;

28.11.7. Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг мавжуд ҳолати ва ишончлилиги, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа маълумот олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тақдим этилишини таъминлаш;

28.11.8. Жамият Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва Жамият аудитори талабига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни қаршиликсиз тақдим этиш;

28.11.9. ўз ваколатлари доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битимлар тузиш (битим тузиш масаласида Жамият бошқаруви аъзолари яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Жамият бошқаруви қарорига мувофиқ Кузатув кенгаши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин);

28.11.10. Жамиятнинг тижорат сири бўлган маълумотларини саклаш;

28.11.11. дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш

28.11.12. ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

28.11.13. Ўзбекистон Республикаси қонунлари талаблари ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

28.11.14. ҳар қандай битим тузилишида ёки Жамиятга бевосита тегишли бўлган ҳар қандай масалада муҳим манфаатдорлиги (тўғридан тўғри, билвосита ёки учинчи шахслар номидан) тўғрисидаги маълумотларни жамият кузатув кенгашига етказиш

28.11.15. Жамият обрўсига зарар етказувчи хатарларини бошқариш;

28.11.16. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

28.12. Navoiyazot бошқаруви мажлисларида баённома юритилади. Navoiyazot бошқаруви мажлисининг баённомаси Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига уларнинг талабига кўра тақдим қилинади.

28.13. Navoiyazot бошқаруви мажлисларини ўтказиш бошқарув раиси ташкиллаштириб, у Navoiyazot номидан барча ҳужжатларни ва Navoiyazot бошқаруви мажлисининг баённомасини имзолайди, Navoiyazot бошқаруви томонидан унинг ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорларга мувофиқ Navoiyazot номидан ишончномасиз ҳаракат қилади.

## **XXIX. КУЗАТУВ КЕНГАШИ ВА ЖАМИЯТ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

29.1. Navoiyazot Кузатув кенгаши ва Ижро этувчи органи аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Navoiyazot манфаатларида ҳаракат қилишлари ва ўрнатилган тартибда жавобгар бўлишлари керак.

29.2. Агар мазкур 29-модданинг қоидаларига мувофиқ бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг Navoiyazot олдидagi жавобгарлиги солибар бўлади. Кузатув кенгаши ва бошқарувнинг овоз беришда иштирок этмаган ёки Navoiyazot зарар етказилишига олиб келган қарорга қарши овоз берган аъзолари жавобгар бўлмайди ЎРҚ-370 сонли қонунинг 90 моддасида белгиланган ҳолатлардан (янги таҳрирда) ташқари.

29.3. Navoiyazot Ижро этувчи органи Navoiyazot мулкани тасаввур қилишдан шахсий фойда олиш бўйича ҳаракатларга йўл қўймасликлари керак.

29.4. Ижро этувчи орган ўзининг ушбу сифатида ишлаш даврида Navoiyazot маҳсулотини сотиш ёки хизматларини кўрсатишда фаолияти қийинчиликларни туғдирадиган корхоналарни таъсис этишга ёки уларни таъсис этишда иштирок этишга ҳақли эмас.

29.5. Navoiyazot жойлаштирилган акцияларининг камида 1% (бир фоизга) эгаси ҳисобланган Акциядор (Акциядорлар) Navoiyazot Кузатув кенгаши аъзосига ва/ёки ижро этувчи органга нисбатан жамиятга етказилган зарарни ундириш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

29.6. Суд жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини, директорини ёки бошқаруви аъзосини жамиятга мулкӣ зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг, директорнинг ёки бошқарув аъзосининг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

29.7. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, директори ёки бошқаруви аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи жамиятга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни тақлиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

### **XXX. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТ. ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ. АХБОРОТНИ БЕРИШ.**

30.1. Navoiyazot Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Ўзбекистон МБХТ ва ХМҲС мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритади ва молиявий ҳисоботларни тақдим қилади.

30.2. Navoiyazot бухгалтерия ҳисоби ташкил қилиниши, ҳолати ва ишончлиги, ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга, шунингдек акциядорлар ва кредиторларга Navoiyazot расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларда бериладиган Navoiyazot фаолияти тўғрисида маълумотлар ўз вақтида тақдим қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқарув Раиси жавобгар бўлади.

30.3. Navoiyazot молиявий ҳисоботида ҳамда Акциядорлар Умумий йиғилишига тақдим қилинадиган бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисобида бўлган маълумотлар ишончлиги Navoiyazot ёки унинг Акциядорлари билан мулкӣ манфаатлар билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши керак.

30.4. Акциядорлар Умумий йиғилиши Navoiyazot ташқи аудитори сифатида ва йиллик молиявий ҳисоботни тасдиқлаш учун Navoiyazot мулкӣ манфаатлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик фирмасини тайинлайди.

30.5. Navoiyazot йиллик ҳисоботи йиллик Акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказиш санасигача кечи билан 30 (ўттиз) иш кун олдин Кузатув кенгашига дастлабки тасдиқланиши учун тақдим қилиниши керак.

30.6. Navoiyazot ўз фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни сақлаши шарт. Мажбурий сақланиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати қонунчиликда белгиланади.

30.7. Navoiyazot Акциядорларга қонунчиликда назарда тутилган ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини таъминлайди, бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари ҳамда Navoiyazot бошқаруви раиси буйруқлари ва Акциядорлари реестри бундан мустасно.

30.8. Navoiyazot қонунчиликда назарда тутилган тартиб ва муддатларда Navoiyazot тўғрисида ахборотни ошкор қилиши шарт.

### XXXI. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ: ТАФТИШ КОМИССИЯСИ, АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ, ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ, ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ МАСЛАХАТЧИСИ

31.1. Navoiyazot молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан Navoiyazot Уставига мувофиқ бир йил муддатга миқдорий таркиби 3 (уч) кишидан иборат Тафтиш комиссияси сайланади. Тафтиш комиссияси у сайланган Йиллик Акциядорлар Умумий йиғилиши тугаган пайтдан кейинги Йиллик Акциядорлар Умумий йиғилиши тугагунга қадар ўз жойини эгаллаб туради. Акциядорлар Умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини унинг ваколатлари муддати тугашдан олдин чақириб олиш ҳуқуқига эга. Битта шахслар Тафтиш комиссия аъзолари бўлиб кетма-кет уч марта сайланишлари мумкин эмас.

31.2. Тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби, шунингдек тафтиш комиссияси аъзоларига қўйиладиган малакавий талаблар мазкур Устав ва Navoiyazot Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади.

31.3. Navoiyazot ходими тафтиш комиссияси аъзоси бўлиши мумкин эмас. Navoiyazot тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Кузатув кенгаши аъзолари бўлишлари, шунингдек Navoiyazot бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллаб туришлари мумкин эмас.

31.4. Кузатув кенгаши аъзоларига ва бошқарув органларида лавозимларни эгаллаб турган шахсларга тегишли акциялар Тафтиш комиссиясини сайлаш вақтида овоз беришда иштирок этиши мумкин эмас.

31.5. Тафтиш комиссиясининг ваколатлари жумласига мазкур Устав қоидаларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ Navoiyazot молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат қилишни амалга ошириш киради. Navoiyazot Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Navoiyazot ижро этувчи органида лавозимларни эгаллаб турган шахслар унга Navoiyazot молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт.

31.6. Navoiyazot молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) Тафтиш комиссияси, Акциядорлар Умумий йиғилиши, Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Navoiyazot Кузатув кенгашига олдиндан хабарнома юбориш орқали жамиятнинг жами овоз берувчи акцияларининг камида 5% (беш фоизига) эга Акциядор (Акциядорлар)нинг талабига мувофиқ бир йил ёки бошқа давр натижалари бўйича амалга оширилади.

31.7. Navoiyazot молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича Тафтиш комиссияси хулоса тузади, ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

- Navoiyazot ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларда бўлган мълумотлар ишончлигини баҳолаш,

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш тартибини, шунингдек Navoiyazot молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонунчиликни бузиш ҳолатлари тўғрисида ахборот.

31.8. Navoiyazot Тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка ва Navoiyazot Уставига мувофиқ Навбатдан ташқари Акциядорлар Умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқига эга.

31.9. Navoiyazot Тафтиш комиссияси Navoiyazot аффилиланган шахслар билан битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек бундай битимларни тузишга қўйиладиган қонунчилик ва Navoiyazot ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш тўғрисида хулосани ҳар чоракда Navoiyazot Кузатув кенгаши мажлисига киритади. 32.8-бандда кўрсатилган ахборотдан иборат хулоса Navoiyazot Йиллик Акциядорлар Умумий йиғилишида эшитилади.

31.10. Navoiyazot молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини текшириш аудиторлик ташкилоти томонидан амалга оширилади. Аудиторлик ташкилоти ва унинг аудит ўтказиш хизматларига ҳақ тўлашнинг энг юқори миқдорини тасдиқлаш Navoiyazot Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

31.11. Аудиторлик ташкилоти Navoiyazot молиявий-хўжалик фаолияти текширувини амалга оширади ва у билан тузилган шартномага мувофиқ қонунчиликда ўрнатилган тартибда аудиторлик хулосасини Navoiyazot тақдим қилади. Аудиторлик ташкилоти Navoiyazot молиявий ҳисоботи ва ўзга молиявий ахборотлари тўғрисида нотўғри хулосадан иборат аудиторлик хулосасини тузиш сабабли етказилган зарар учун Navoiyazot олдида жавобгар бўлади.

31.12. Navoiyazot ижро этувчи органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини текшириш ва баҳолашни улар томонидан қонунчилик, Navoiyazot Устави ва бошқа ҳужжатларга риоя қилишни, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотлар тўлиқ ва ишончли акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларни амалга ошириш бўйича ўрнатилган қоидалар ва тартиботларни, активлар сақланилишини, шунингдек Navoiyazot бошқариш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларга риоя қилинишни текшириш ва мониторинг қилиш йўли билан амалга ошириш мақсадида, жамиятда Navoiyazot Ички Аудит Хизмати ташкил этилади.

31.13. Navoiyazot Ички Аудит Хизмати ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Navoiyazot Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган Ички Аудит Хизмати тўғрисида Низомга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширади.

31.14. Navoiyazot корпоратив маслаҳатчиси жамият Кузатув кенгашига ҳирсоддордир ва корпоратив қонунчиликка риоя қилиш устидан назорат қилиш вазифаларини бажаради. Navoiyazot корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти Navoiyazot Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Низом асосида амалга оширилади.

## XXXII. ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ.

32.1. Navoiyazot акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ банкрот деб эълон қилинган тақдирда суд қарори бўйича ва амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа асосларга кўра тугатилиши мумкин.

32.2. Navoiyazot тугатиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-57-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" Қонунининг (янги таҳририда) 98-101-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

32.3. Navoiyazot тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган тартибда амага оширилади. Рўйхатга олувчи орган томонидан юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига ёзув киритилган пайтдан эътиборан Navoiyazot тугатиш яқунланган, Navoiyazot эса тугатилган деб ҳисобланади.

32.4. Navoiyazot қайта ташкил этиш Navoiyazot Акциядорлар Умумий йиғилиши қарорига асосан бирлаштириш, қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклда амалга оширилади.

32.5. Қонунчиликда белгиланган ҳолатларда, Navoiyazot бирлаштириш, қўшиб юбориш ёки қайта тузиш шаклда қайта ташкил этилиши фақат ваколатли давлат органлари рухсати билан амалга оширилиши мумкин. Navoiyazot қайта ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

32.6. Қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келган жамиятларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда қайта ташкил этилган жамиятларнинг фаолияти тўхтатилгани тўғрисидаги ёзувни киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

32.7. Рўйхатга олувчи янгидан вужудга келган жамиятларни давлат рўйхатидан ўтказишни фақат қайта ташкил этиш натижасида тугатилаётган Navoiyazot қимматли қоғозлари чиқаришнинг давлат рўйхати бекор қилинганидан, шунингдек уни юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқариб юборгандан сўнг амалга оширади.

32.8. Янги тузилган юридик шахслар давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан Navoiyazot қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бирлаштириш тарзида қайта ташкил этиш бундан мустасно. Navoiyazot бошқа шахсга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилганда, Navoiyazot рўйхатга олувчи орган томонидан юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қўшиб юборилган юридик шахс (жамият) тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритилган пайтдан эътиборан қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

### XXXIII. ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК

33.1. Мазкур Уставнинг тартибга солувчи қонунчилик деб Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ҳисобланади.

### XXXIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

34.1. Юридик ва жисмоний шахслар билан Navoiyazot ишлари бўйича барча низолар қўллаб бўладиган ҳуқуқ билан тегишли судда ёки бунга ваколатли бошқа органларда кўриб чиқилади.

### XXXV. ХАБАРНОМАЛАР.

35.1. Мазкур Уставда ўзга қоида назарда тутилмаган бўлса, мазкур Устав билан талаб қилинадиган ёки рухсат этилган ҳар қайси хабарнома, илтимоснома, розилик ёки бошқа корреспонденция (биргалиқда "Хабарнома") ёхуд шахсан, ёхуд буюртма почта орқали, ёхуд телефакс ёки телекс бўйича юбориш билан ёзма кўринишда бажарилиши керак.

35.2. Ҳар қайси Хабарнома етказиб берилганликнинг ҳақиқий санаси деб қуйидагилар ҳисобланади:

35.3. чопар орқали – етказиб берилган кун ёки олинган кун;

35.4. буюртма почта орқали – жўнатмани қабул қилган бўлинманинг почта штемпели санаси;

35.5. факс бўйича – электрон воситалар тасдиқлов олиш санаси.

35.6. Агар хабарномани олиш куни адресатнинг шанба, якшанба ёки байрам кунига тўғри келса, унда етказиб берилганликнинг ҳақиқий санаси деб кейинги биринчи иш куни ҳисобланади.

35.7. Шахсан етказиб берилган тақдирда, етарлича етказиб берилганлик далили деб тўғри манзилга етказиб берилганлик далили бўлади; факс бўйича хабар қилинган тақдирда – электрон воситалар томонидан олинганлик тасдиқлови.

Бошқарув раиси вазифасини бажарувчи  
Ф.Х.Самадов

